
ТАДБИРКОЛЛАР МУАММОЛАРИНИ ҮРГАНИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШ БҮЙИЧА ВИЛОЯТ ИШЧИ ГУРУХИ ФУРҚАТ ВА ДАНҒАРА ТУМАНЛАРИДА ТАДБИРКОЛЛАР УЧУН САЙЁР ҚАБУЛЛАР ҮТКАЗДИ

Бугун Фурқат ва Данғара туманларида Бизнес-омбудсман үринбосари Жамшид Урунов раҳбарлигидаги Тадбиркорлар муаммоларини үрганиш ва ҳал қилиш бүйича вилоят ишчи гурухининг туман тадбиркорлари учун сайёр қабуллари бўлиб ўтди. Қабулларда вилоят ҳокимининг үринбосари Иқболжон Эргашев иштирок этди.

Сайёр қабулларда иштирок этган тадбиркорларнинг мурожаат ва таклифлари эшитилиб, қабул давомида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммоларга амалий ечимлар белгиланди, масъулларга тегишли вазифалар юклатилди.

Иштирокчилар билан ўзаро мuloқot чоғида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар борасида фикр алмашилди. Бу борада вилоятнинг шаҳар ва туманларида ўтказиладиган сайёр қабуллар якунидаги ишлаб чиқиладиган умумлашган аниқ таклифлар Республика эксперталар гуруҳига йўналтирилади.

Вилоятимизнинг қолган шаҳар ва туманларида ўтказиладиган сайёр қабулларда иштирок этиш истагида бўлган тадбиркорлар, ўз яшаш ҳудудлари бўйича маҳаллий ҳокимликларга ёки Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг +998732441192; +998939808833; +998908356579 телефон рақамларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тадбиркорлар, шунингдек, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман билан ҳамкорликда ташкил этилган Call-марказнинг 1094 қисқа рақамига ёки @taklif2023bot га мурожаат қилиб, ўз таклиф ва ташабbusларини билдиришлари мумкин, операторлар 24/7 режимида қўнғироқларни қабул қиласди.

Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлар билан навбатдаги очик мuloқot олдидан Республикамиз ҳудудларида тузилган тадбиркорлар муаммоларини үрганиш ва ҳал қилиш бўйича ишчи гурухлар, барча вилоятларда иш олиб бормоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-08-01 18:35:16